Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 148 (8. 090) ◆ 1992 йил 29 июль, чоршанба ◆ Нархи 2 сўм.



Моҳир ишчи бўлиш учун бир корхонада кўп йиллар ишлаш керак бўлади. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Лекин ишчан, билимдон киши қисқа муддат ичида яхши ишчи бўлиб танилиши ҳам мумкин. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бирлашмасида ишлаб келаётган Фарҳод Чиниқуловни бунга мисол тариқасида келтирса бўлади. Чунки унинг корхонада меҳнат қилаётганига эндигина бир йилдан ошди. Шунга қарамасдан у ўз касбини пухта эгаллаб олган.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) Фарҳод Чиниқулов ва корхона йиғув цехининг умумий кўриниши.

Андрей Пишненко суратлари.





1 сентябрь— Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 1 ИЙЛЛИГИ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН РЕСПУБЛИКАНИНГ ИЖОДКОР ВА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг ижодкор ва тиббиёт ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, моддий ва маиший шароитларини янада яхшилаш мақсадида ва уларнинг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшган ҳиссасини эътиборга олиб:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Барча типлардаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синфлар ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» 1990 йил 13 ноябрда чиқарган Фармонининг қуйидаги қисмлари республиканинг ижодкор ва тиббиёт ходимларига ҳам татбиқ этилсин:

— улар яшаб турган давлат ва идораларга қарашли уйлар ва хоналар шахсий мулк қилиб бепул топширилсин;

— ер участкалари ва якка тартибдаги қурилишга сотиб олиш учун бинокорлик материаллари биринчи навбатда ажратиб берилсин.

Ушбу Фармон 1-бандининг амал қилиши меҳнат фаолиятининг мазкур соҳаларида камида 10 йил узлуксиз иш стажига эга бўлган юқорида айтиб ўтилган тоифадаги ходимлар жумласига кирувчи ҳафақахўрларга ҳам татбиқ этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонни рўёбга чиқариш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор лойиҳасини тайёрласин.

3. Ушбу Фармон 1992 йилнинг 1 августидан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 28 июль.

* *Энг афзали—тотувлик*

МУСТАҚИЛЛИК ТЎЙИГА

ШУ КУНЛАРДА бутун республикамизда мустақил давлатимизнинг 1 сентябрда бўладиган тарихий тўйини муносиб нишонлаш учун тайёргарлик ишлари кенг қўламда олиб борилмоқда. Бу кунни қандай ўтказиш тўғрисида жойлардаги бўлаётган йиғилишлар ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Худди шундай йиғилишлардан бири Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданий марказида бўлиб ўтди. Унда шаҳримизда фаолият кўрсатаётган 15 миллат миллий маданий марказларининг раислари қатнашдилар. Улар орасида арман, озарбайжон, бошқирд, Бухоро яҳудийлари, дунган, яҳудий, корейс, қорақалпоқ, қирғиз, поляк, татар, тожик, уйғур ва қозоқ халқларининг вакиллари бор эди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданий марказининг директори Озод Каримов очди ва олиб борди.

— Азиз дўстлар, — дея сўз бошлади у, — ҳаммангизга маълумки, кўп миллатли, жонажон республикамизнинг барча фуқаролари яқинда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллик тўйини кенг нишонлайди. Бу албатта республикамиз ҳаётида мисли кўрилмаган даражада катта тарихий воқеадир. Бу байрам фақат ўзбек халқининг эмас, балки республика ҳудудида яшаётган ҳар бир фуқаронинг байрамидир. Шундай экан, республика Байналмилал маданий марказимиз таркибида ўз миллий маданият марказлари бўлган ҳар бир халқнинг вакиллари пойтахтимизда ўтказиладиган тантаналарда бевосита қатнашадилар. Асосий байрам тантаналари Мустақиллик майдонида бошланиб, Халқлар дўстлиги майдонида давом этади. Биз ҳам ўз чиқишларимиз билан Халқлар дўстлиги майдонида иштирок этамиз. Бу ерда ҳар бир миллий маданий марказнинг ўз миллий санъатлари дастурини намойиш қилишлари учун 20 дақиқадан вақт ажратилади. Шунингдек, ҳар бир миллий-маданий марказга хизмат қилиш учун алоҳида-алоҳида автобуслар белгиланган бўлади. Бундан ташқари байрам тантаналарида иштирок этган маданий марказлар учун моддий ёрдам тариқасида шаҳар ҳокимлиги томонидан 10 минг сўмдан маблағ ҳам ажратилган. Хуллас, пойтахтимизда нишонланадиган мустақиллик тўйининг жуда ажойиб бўлиб ўтишида биз ҳам ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишимиз даркор...

Шундан кейин йиғилганлар байрамда қандай қатнашиш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Йиғилишда Америка фуқароси Жеймс Шарик ҳам қатнашиб, сўзга чиқди.

Муҳиддин БОЗОРОВ.

АҚШДАН МУТАХАССИСЛАР КЕЛАДИ

РЕСПУБЛИКА тил ўргатиш маркази бошлиғи Аббос ака Ирисқулов билан телефон орқали боғланганимизда у киши таҳририятга ажойиб хушхабарни етказди. Сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида юртимизга АҚШдан 106 тил мутахассисининг келиши кутилмоқда. Уларнинг келишидан мақсад тилни ўзлаштираётганларга инглиз тилининг америкача шевасини ўргатишдир. Улар республикадаги тилга ихтисослаштирилган олий ўқув юртларида ишлайдилар. Бундай мутахассисларни республикамизда тил ўргатишга жалб қилиш олий таълим вазирлигининг АҚШдаги КЭФЕИ (маъноси: Осиё билан эркин алмашув маркази) ташкилоти билан ҳамкорлиги натижасида амалга оширилди.

— Келадиган мутахассислардан 18—20 таси бизда фаолият кўрсатади, — дейди Аббос ака Ирисқулов. — Маълумки, марказимизда хорижда ишлашга тайёргарлик кўраётган мутахассисларга тил ўргатилади. Бу жуда масъулиятли ишдир. Инглиз тили ўз она тилиси бўлган мутахассисларнинг тингловчилар билан бевосита ишлаши яхши натижалар беради. Биз марказимизда тил ўргатишнинг энг замонавий услубини ўзида жамлаган иккита видеолента сотиб олдик. 9 соатлик машғулотларга мўлжалланган бу видеолента-лар орқали бевосита эшитиб ўрганиш мумкин бўлади. Тилни ўрганаётганда бир вақтнинг ўзида ҳам ҳаракат, ҳам шу ҳаракат давомида амалий тил машғулоти жуда яхши натижаларга олиб келади. Янги ўқув йилида бизнинг марказда тилни ўрганадиганлар шунча саъй-ҳаракатимиз натижасида хорижий тилларни пухта ўзлаштиришига ишонаман.

Саид АЗИЗ.

САҲНАГА ҚАЙТГАН АСАР

Бундан 40 йил муқаддам мумтоз мусиқа асари ҳисобланган «Эсмеральдо» балети саҳна юзини кўрган эди. Алишер Навоий номли ўзбек давлат академик Катта театри санъат аҳли постановка қилган ушбу томоша ўша йиллари бир неча бор муваффақиятли кўрсатилди.

Йиллар ўтди. Аммо бу жозибадор балетга бўлган қизиқиш ортса ортдики, сўнмади. Кўплаб томошабинлар истаклари инобатга олиниб «Эсмеральдо»ни яна қайта саҳнага олиб чиқишга муваффақ бўлинди.

Балетнинг янгича саҳнавий талқинини постановка қилишда театрнинг етакчи санъаткорлари ижодий ғайрат кўрсатдилар. Г. Измайловнинг кўп меҳнати синди. Балетдаги бош ролни истеъдодли санъаткор З. Давлатмурадова муваффақиятли олиб чиқди.

Акбар АЛИЕВ.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни кучга кирди.

● Кеча Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида прокуратура ходимларининг ярим йиллик иш якунлари ва галдаги вазифалари муҳокама этилди.

● Водилда жамоатчилик ташаббуси билан уч марта Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов таваллудининг 100 йиллиги нишонланди. Тантаналарда бу уста пахтакор узоқ йиллар раҳбарлик қилган Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли жамоа хўжалиги вакиллари, Тожикистон ва Қирғизистондан келган меҳмонлар қатнашдилар.

● Республика Адлия вазирлигида Ўзбекистон ёшларининг билим ва ижодий камолотини ўстиришга ёрдамлашадиган, тадбиркорликни шакллантирадиган «Садаф» уюшмаси рўйхатдан ўтказилди. Тошкент педиатрия институти талабаси Ойбек Азимов уюшма президенти этиб сайланди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Кеча соат 10 дан бошлаб Тожикистон бутун ҳудудида ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битим кучга кирди. Унга кўра бир кеча-кундуз мобайнида қуролли бўлинмалар ички ишлар вазирлиги ва давлат хавфсизлиги назорати остида йўл ва муассасалардаги барча постларини йўқотишлари, гаровга олинганларни озод этиб, уларни истиқомат қиладиган жойларига етказишлари зарур. Барча партиялар ва ҳаракатларнинг ҳарбий бўлинмалари қуролсизлантирилади.

● Россияда шу йил июнь ойига келиб 202 минг 879 киши ишсиз сифатида рўйхатга олинди. Аҳолини иш билан таъминлаш бўйича комитет раисининг ўринбосари Владимир Гончаровнинг айтишича, бу рақам йил охирига бориб камида 2 миллион кишини ташкил этиши керак.

● Россия Федерацияси Олий Кенгашининг «Известия» газетасини ўз тасарруфига олиш тўғрисидаги қарори кучга кирди. Бу газета бош муҳаррири Игорь Голембиовский Олий Кенгашнинг бу қарори матбуот тўғрисидаги қонунга зидлиги сабабли Конституциявий судга мурожаат қилинишини билдирди.

● Европа Кенгашининг бош котиби Катрин Лалюмьер ва бу ташкилот вазирлар маҳкамасида раислик қилаётган Туркия ташқи ишлар вазири Хикмет Четин Ҳамдўстликнинг Украина, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон давлатларида бўлдилар. Бу сафардан ушбу республикаларга ёрдам кўрсатиш ҳамда улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсади кўзда тутилган.

● Ҳамдўстлик мамлакатларида СПИДга чалиниш кескин ошганлиги маълум бўлди. 1992 йилнинг биринчи ярмида 100 киши—бутун ўтган йилда бўлгани миқдорида—ушбу ўлатга дучор бўлган. Ана шу 100 нафар СПИД билан хасталанганлардан 80 нафари ҳозирнинг ўзида ҳалок бўлган.

ХОРИЖДА

● Франция пойтахти Парижда ўзбек кулолчилик намуналари кўргазмаси очилди. Бу ерда Самарқанддаги республика музейида сақланаётган VIII—XIII асрларга оид кулолчилик санъатининг 300 тадан зиёд нодир асари, безаклар, Афросиёб шаҳристонидан топилган қадимий рўзғор буюмлари, шунингдек эски араб ёзуви битилган сопол идишлар намойиш этилмоқда.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарорғоҳида Арманистоннинг Озарбайжонга қарши кимёвий қурол-яроғлар қўллаганлиги тўғрисидаги хабарлар ҳақиқатга тўғри келмаслиги маълум қилинади. Буни худди шу масала бўйича Арманистонда иш олиб борган БМТ мутахассислари тасдиқладилар.

● Америка Қўшма Штатлари компаниялари Шарқий Европа ва собиқ Совет Иттифоқи мамлакатлари иқтисодиётига сармоя сарфлаш бўйича немис ва италян шерикларидан ўзиб кетиб, биринчи ўринга чиқиб олдилар. АҚШ фақат сармоя миқдори бўйича эмас, шунингдек келишилган битимлар сони бўйича ҳам етакчилик қилмоқда.

● Кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти текширувчилари ниҳоят Ироқ қишлоқ хўжалиги вазирлиги биносига киришга муваффақ бўлдилар. Немис, икки нафар рус, швейцар, швед ва финдан иборат бу гуруҳ мутахассислари бу ерда Ироқ ядровий қурол-аслаҳа яратиш устида тадқиқот олиб боргани-бормаганлигини текшириб кўрадилар.

● Эстония республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Э. Лийметс Россиянинг бу давлатдаги муваққат вакили О. Поповичга телефон орқали қўнғироқ қилиб, душанба куни Эстония мудофаа кучларининг бу ўз мамлакати ҳудудидаги Россия ҳарбий иншоотларини қўлга олишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлари хато эканлигини тан олди, шу муносабат билан Эстония ҳукуматининг таассуфини маълум қилди.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти маълумотларига кўра ҳозирги пайтда «учинчи дунё» мамлакатларидаги аҳолининг салкам 20 фоизи очликка мубтало бўлган.

* *Меҳнат жамоаларида*

УЛАРДА ИШСИЗЛАР БЎЛМАЙДИ

БИЗ «Миконд» заводининг 12-цехига атайлаб куннинг иккинчи ярмида, аниқроғи ишчилар тили билан айтганда «иккинчи смена»да келдик. Цехда иш қайнаганидан қайнарди. Йўлакчаларни айланиб ўтар эканмиз цехда фақат аёл ва қизларимизнинг ишлаётганлигига гувоҳ бўлдик.

— Ҳар бир бўлимдаги биттадан созловчиларни ҳисобга олмаганда жамоамизда фақат қизлар меҳнат қилишади, — деб тушунтиради навбатчи Зикрилло Самигжонов. — Шунинг учун менинг ишим бошқа усталарникига нисбатан бирмунча мураккаброқ. Чунки, бу ерда фақат техник ишлаб чиқариш сир-асрорларини билишнинг ўзи камлик қилади. Маълумингизки, аёл халқи жуда нозик табиат бўлишади. Уларга ҳар бир иш жараёнини тушунтириш устадан катта маҳорат талаб қиларкан. Бу ерда менга Тошкент университетида олган билимларим жуда асқотяпти. Ҳар ҳолда қизларимиз мени тўғри тушуниб, ўз ишларини қойилмақом қилиб бажаришмоқда.

Ёш мутахассис Ўткир Мусаев бошқариб келаётган бу цехда турли миллат вакилларига мансуб қизлар меҳнат қилишади. Уларнинг барчаси бир тану-бир жон бўлишиб халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришмоқда. Қизларнинг орасида ўз илғорлари бор. Сурайё Асқарова, Маъсуда Аҳмедова кабилар шулар жумласидандир. Улар бугунги кунда кунлик ва ойлик режаларини ортиғи билан бажаришиб 2000 сўмгача маош олмоқдалар.

Биз навбатчи устадан жамоадаги муаммолар тўғрисида сўраганимизда у фақат ишчиларни иш билан таъминлаш масаласини кўрсатди. Дарвоқе, цехда бир неча ишчи қизлар бўлимларда иш камлиги туфайли навбатдан ташқари ўз ҳисобларидан таътилларда юришибди. Бир гуруҳ қизлар соат 14 дан 18 гача меҳнат қилишмоқда.

Албатта, бу вақтинчалик ҳол. Кейинги чоракдан бошлаб цех ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сонини оширмоқчимиз. Ушанда бу цехда сўнгги пайтларда тобора оммавийлашиб бораётган «ишсизлик» илдизига болта урилади.

Нарзулло ҲАМРОЕВ.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИГИ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ўз идоралари ва мансабдор шахслари орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари олдида масъулдир, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эса давлат олдида масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилади.

2-модда. Тенг фуқаролик

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги фуқароликни олиш асосларидан қатъий назар барча учун тенгдир.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари келиб чиқишларидан, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, машғулотининг тури ва сажияси ҳамда бошқа ҳолатлардан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий турмушнинг барча соҳаларида таъминланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг ҳам фуқаросидир.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик тўғрисидаги қонунлари

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик тўғрисидаги қонунлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида қабул этилган ушбу Қонундан ва Ўзбекистон Республикасининг шу қонунига мувофиқ чиқариладиган бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублик

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўладилар:

1) келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машғулотининг тури ва сажиясидан қатъий назар, ушбу қонун кучга кирган вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар;

2) давлат йўлланмаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўқиётган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида туғилган бўлсалар ёки доимий яшаганликларини исбот қилган бўлсалар, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмасалар ва ушбу Қонун кучга киргандан кейин кечи билан бир йил ичида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган бўлсалар;

3) ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган шахслар.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, паспорт олингунга қадар эса — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки шахсининг фуқаролигига доир маълумотномалар бўлган ўзга ҳужжат — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг ва туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг намуналарини, уларни бериш тартиби ва шартларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

6-модда. Никоҳдан ўтишда ва уни бекор қилишда фуқароликнинг сақланиб қолиши

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эркак ёки аёлнинг чет эл фуқароси билан ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, шунингдек бундай никоҳнинг бекор қилиниши эр ёки хотинининг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.

Эр-хотинидан бирининг фуқаролиги ўзгариши иккинчисининг фуқаролиги ўзгаришига олиб келмайди.

7-модда. Чет элда яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиши

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет элда яшаши Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилишига олиб келмайди.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда давлат томонидан ҳимоя қилиниши

Чет элда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг ҳимояси ва ҳомийлигидан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси, унинг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ўзлари борган мамлакат қонунлари билан, Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқароси борган давлат қатнашаётган шартномалар ҳамда халқаро одатлар билан бериб қўйилган ҳамма ҳуқуқлардан тўла фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари учун чоралар кўришлари, уларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини қонунларда белгиланган тартибда ҳимоя қилишлари, зарур ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чораларини кўришлари шарт.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаросини чет давлатга топширишга йўл қўйилмаслиги

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси чет давлатга топширилиши мумкин эмас.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлат фуқаролигига мансублигини тан олмаслик

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахснинг чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди.

(Давоми 2-бетда).

Barcelona'92

Кумуш медалга даъвогар

Испанияда бошланган XXV Олимпиада мана олти кундан бери давом этмоқда. Бу йилги Олимпиада ташкилотчилари чемпионларга бериладиган медалларни соф олтиндан тайёрлашганлиги учунми мусобақалар жуда қизғин ўтмоқда.

Ҳамдўстлик мамлакатларининг вакиллари бугунгача саккизта олтин медални қўлга киритиб, Олимпиадада пешқадамлик қилишмоқда.

Гимнастикачиларнинг жамоа биринчилиги баҳсларида эса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги вакиллари совринли ўринни эгаллашга ҳаракат қилишмоқда. Бу баҳсда тошкентлик Оксана Чусовитина яхши кўрсаткичларга эришиб, кумуш медалга даъвогарлик қилмоқда.

Кескин беллашувлар давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИГИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Алоҳида ҳолларда, хорижий давлат фуқаролари бўлмиш ватандошлар, агар улар ёки уларнинг ота-оналари, бувалари ёки бувилари бир вақтлар мавжуд тузум туфайли ватанни ташлаб кетишга мажбур бўлган бўлсалар, ўз илтимосларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши махсус комиссиясининг хулосасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ҳам қабул қилинишлари мумкин.

11-модда. Фуқаролиги бўлмаган шахслар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар деб ҳисобланади.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛИШ

12-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш асослари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қуйидаги ҳолларда олинади:

1) туғилганда;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши натижасида;

3) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича;

4) ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича.

13-модда. Ота-онаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган болаларнинг фуқаролиги

Туғилган пайтида ота-онаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган бола, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёхуд Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туғилган бўлишидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

14-модда. Онаси ёки отаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болаларнинг фуқаролиги

Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган қуйидаги ҳолларда бола Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади:

1) агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган бўлса;

2) агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида туғилган бўлсаю ота-онаси ёки уларнинг бири шу вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлса.

Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган бўлса, агар бу вақтда ота-она Ўзбекистондан ташқарида доимий истиқомат жойига эга бўлса, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туғилган боланинг фуқаролиги ота-онанинг ёзма тарзда ифодаланган келишуви билан белгиланади.

Ота-онасидан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлган ёхуд номаълум бўлган тақдирда, бола қаерда туғилган бўлишидан қатъий назар, у Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Онасининг фуқаролиги бўлмаган боланинг отаси белгиланиб, у Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлса, 14 ёшга етмаган бола, қаерда туғилган бўлишидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

15-модда. Фуқаролиги бўлмаган шахслар болаларининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши

Фуқаролиги бўлмаган, Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган боласи Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

16-модда. Ота-онаси номаълум бўлган болаларнинг фуқаролиги

Ота-онаси номаълум бўлган ва Ўзбекистон ҳудудида яшаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

17-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосномаларига кўра ушбу Қонунга биноан келиб чиқишидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш шартлари қуйидагилардан иборат:

1) чет эл фуқаролигидан воз кечиш;

2) сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаганлик;

ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларга, башарти улар шу ерда туғилган ва ҳеч бўлмаса ота-онасидан бири, буваси ёки бувиси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилганлигини ва бошқа давлатларнинг фуқароси эмаслигини исботласа, таалуқли бўлмайди;

3) қонуний тирикчилик манбаларининг мавжудлиги;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тан олиш ва бажариш.

Ушбу модданинг 1, 2 ва 3-бандларида қайд этиб ўтилган талаблар алоҳида ҳолларгагина Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси олдида буюк хизматлари ёки фан, техника ва маданият соҳасида катта ютуқлари бўлган, шунингдек Ўзбекистон Республикасини қизиқтирадиган касб ёхуд малакага эга бўлган айрим шахсларга нисбатан ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Агар шахс:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик ишлатиб ўзгартиришни ёқлаб чиқаётган бўлса;

фаолияти Ўзбекистон Республикасининг конституциявий принципларига зид бўлган партиялар ва ўзга ташкилотларга аъзо бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жазоланадиган хатти-ҳаракатлар учун озодликдан маҳрум этилган ва жазони ўтаётган бўлса, уни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномаси рад этилади.

18-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклаш

Илгари Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган шахс ўз илтимосномасига биноан ушбу Қонун талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тикланиши мумкин.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ

19-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тугатилиши асослари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

1) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш оқибатида;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш оқибатида;

3) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асосларга биноан;

4) ушбу Қонунда кўзда тутилган бошқа асосларга биноан.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилиши Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролигининг тўхталишига сабаб бўлади.

20-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш

Ушбу Қонунда белгиланган тартибда шахснинг илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишга рухсат этилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишни илтимос қилувчи шахс давлат олдидаги мажбуриятларини ёки фуқароларнинг ёхуд давлат ва жамоат ташкилотларининг муҳим манфаатлари билан боғлиқ мулкий мажбуриятларини бажармаган бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши рад этилиши мумкин.

Агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишни илтимос қилувчи шахс айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши зарур бўлган суд ҳукми бўлса ёки шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлиги манфаатларига зид бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига йўл қўйилмайди.

21-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш

Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги йўқотилади:

1) шахс чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирганлиги натижасида;

2) агар чет элда доимий яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса;

3) агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлғонлиги шак-шубҳасиз маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиққан кундан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги йўқотилади.

IV. ОТА-ОНАЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИГИ ЎЗГАРГАНДА ВА ФАРЗАНДЛИККА ОЛИНГАНДА БОЛАЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИГИ

22-модда. Ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда болалар фуқаролигининг ўзгариши

Ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарганлиги натижасида уларнинг ҳар иккаласи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига ўтганида ёки ҳар иккаласи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанида, ўз навбатида уларнинг 14 ёшга тўлмаган болаларининг фуқаролиги ҳам ўзгаради.

Агар боланинг ота-онасидан бири маълум бўлса, ана шу ота ёки онанинг фуқаролиги ўзгарганида 14 ёшга тўлмаган боланинг фуқаролиги ҳам тегишли суратда ўзгаради.

23-модда. Васийлик ёки ҳомийликка олинган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиши

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи боланинг ота-онаси ёки ёлғиз отаси ё бўлмаса онаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқсалар ва айни вақтда улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари васийликка ёки ҳомийликка олган боланинг тарбиясида иштирок этмасалар, ота-она, васий ёки ҳомийнинг илтимосига кўра бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади.

24-модда. Ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган тақдирда болаларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланса, бошқаси эса чет эл фуқароси бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олаётган ота ёки онанинг илтимосномасига кўра бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши мумкин.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланса, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланса, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшовчи бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олаётган ота ёки онанинг илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши мумкин.

25-модда. Ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққан тақдирда боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиши

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқса, бошқаси эса Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб қолаверса, бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётган ота ёки онанинг илтимосномасига кўра бундай боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига рухсат этилиши мумкин.

26-модда. Бола фарзандликка олинган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши

Чет эл фуқароси ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

Чет эл фуқароси бўлиб, бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

Фуқаролиги бўлмаган, бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

Чет эл фуқароси бўлиб, бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси чет эл фуқароси бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинаётган бола фарзандликка олувчиларнинг келишувига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

27-модда. Фарзандликка олинган тақдирда боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиши

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, чет эл фуқаролари томонидан фарзандликка олинган ёки бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси чет эл фуқароси бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади. Фарзандликка олувчиларнинг илтимосномасига кўра бундай боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига рухсат берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинган ёки бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади.

28-модда. Болаларнинг фуқаролигини ўзгартириш чоғида улар розилик беришининг зарурлиги

Ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда, шунингдек болалар фарзандликка олинган тақдирда 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг фуқаролиги ушбу Қонуннинг 34-моддасида кўзда тутилган тартибда фақат болаларнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

V. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТУВЧИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

29-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги ишларни юритувчи Ўзбекистон Республикасининг давлат идоралари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги ишларни юритувчи Ўзбекистон Республикасининг давлат идоралари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари.

30-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида;

2) чет элда яшаётган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президентига тегишли илтимоснома билан мурожаат этган тақдирда уларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида;

3) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклаш тўғрисида;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисида;

5) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш тўғрисида қарор қабул қилади.

31-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва тегишли ваколатлар берилган унга бўйсунувчи идоралар:

1) Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахслардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид аризаларни қабул қилади;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига доир аризани асослаш мақсадида келтирилган далил ва ҳужжатларни текширади;

3) фуқаролик масалаларига доир аризаларни зарур ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари бўйича комиссияга йўллайди;

4) Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлайди;

5) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган ҳолларни қайд этади.

32-модда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари:

1) чет элларда доимий яшаб турган шахслардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тиклаш ёки ундан чиқиш тўғрисидаги илтимосномалар аризачининг ёзма илтимосига биноан кўриб чиқилади. 18 ёшга тўлмаган шахслар хусусидаги илтимосномалар улар вакилларининг нотариал идоралар томонидан, чет элда эса Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан тасдиқланган қонуний вакилларининг илтимосига биноан кўриб чиқилади.

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига олиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тиклаш ва ундан чиқариш тўғрисида ариза топшириш чоғида уларнинг розилиги бўлиши шарт. Бундай розилик ёзма баён этилиши ва нотариал идоралар томонидан, чет элда эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасалари томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Вояга етмаган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши тўғрисида илтимоснома топширганда, башарти унинг ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб қоладиган бўлса, унинг ўз боласининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишга муносабати билдирилган аризаси ҳам тақдим этилиши керак. Бундай ариза нотариус томонидан, чет элда эса Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

Башарти ариза берувчи саводсизлиги ёки жисмоний камчиликлари сабабли аризани имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан бошқа киши аризани имзолайди, бу ҳақда ички ишлар идораси, чет элда эса Ўзбекистон Республикаси тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан аризага ёзиб қўйилади.

VI. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД АРИЗАЛАР ВА ТАҚДИМНОМАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

33-модда. Фуқаролик масалаларига оид аризаларни топшириш тартиби

Фуқаролик масалаларига оид аризалар Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ариза берувчиларнинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар идоралари орқали, чет элда доимий яшовчи шахслар томонидан эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига берилади.

Чет давлат фуқароси бўлган шахс ўз фуқаролигини ўзгартириш ниятига мазкур давлатнинг муносабатини кўрсатувчи ҳужжатни тақдим этиши шарт.

34-модда. Фуқаролик масалаларига оид аризаларнинг шакли

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига олиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тиклаш ёки ундан чиқиш тўғрисидаги илтимосномалар аризачининг ёзма илтимосига биноан кўриб чиқилади. 18 ёшга тўлмаган шахслар хусусидаги илтимосномалар улар вакилларининг нотариал идоралар томонидан, чет элда эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган қонуний вакилларининг илтимосига биноан кўриб чиқилади.

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига олиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тиклаш ва ундан чиқариш тўғрисида ариза топшириш чоғида уларнинг розилиги бўлиши шарт. Бундай розилик ёзма баён этилиши ва нотариал идоралар томонидан, чет элда эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Вояга етмаган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши тўғрисида илтимоснома топширганда, башарти унинг ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб қоладиган бўлса, унинг ўз боласининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишга муносабати билдирилган аризаси ҳам тақдим этилиши керак. Бундай ариза нотариус томонидан, чет элда эса Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

Башарти ариза берувчи саводсизлиги ёки жисмоний камчиликлари сабабли аризани имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан бошқа киши аризани имзолайди, бу ҳақда ички ишлар идораси, чет элда эса Ўзбекистон Республикаси тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан аризага ёзиб қўйилади.

35-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансубликни аниқлаш

Шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги тўғрисидаги ариза унинг доимий истиқомат жойида ички ишлар идорасига, чет элда доимий яшайдиган шахс томонидан эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансубликни аниқлашда шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги билан боғланаётган вазият бошланган пайтда амал қилиб турган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномаларнинг қоидалари қўлланилади.

36-модда. Фуқаролик масалаларига оид аризаларни расмийлаштириш тартиби

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид аризалар ариза берувчи шахсан мурожаат этган тақдирда унинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар идоралари, чет элда доимий яшовчи шахсларга нисбатан эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан расмийлаштирилади.

Узрли сабаблар бўлган тақдирда ички ишлар идоралари, тегишли дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари фуқаролик тўғрисидаги ҳужжатларни бошқа шахслар ёки почта орқали юборилган аризаларга мувофиқ расмийлаштиришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид аризалар берилганда давлат божи тўланади, унинг миқдори Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

37-модда. Фуқаролик масалаларига оид аризалар юзасидан хулосалар

Фуқаролик масалаларига оид аризани расмийлаштираётган ички ишлар идораси ёки тегишли дипломатия ваколатхонаси ёхуд консуллик муассасаси мазкур ариза юзасидан асосланган хулосасини чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фуқаролик масалаларига оид аризалар ёки тақдимномалар юзасидан ўз хулосаларини ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси номига юборадилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги аризаларга оид хулосаларда ариза берувчининг давлат олдида бажарилмай қолган мажбуриятлари ёки унинг фуқаролар ёхуд давлат, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари муҳим манфаатлари билан боғлиқ бўлган мулкий мажбуриятлари хусусидаги, унинг айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги ёхуд унга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган, ижро этилиши лозим бўлган ҳукми мавжудлиги ҳақидаги ё бўлмаса мазкур шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги манфаатларига зидлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам хабар қилинади.

38-модда. Аризалар ва тақдимномаларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясида дастлабки тарзда кўриб чиқилиши

Ушбу Қонуннинг 30-моддасида кўрсатилган фуқароликка оид масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Фуқаролик масалалари комиссиясини тузади.

Фуқаролик масалаларига оид аризалар ва тақдимномаларни кўриб чиқиш пайтида комиссия ариза берувчининг далилларини, тақдимноманинг мазмунини, давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг хулосаларини, бошқа ҳужжатларни ҳамда тегишли тарзда расмийлаштирилган гувоҳлар кўрсатмаларини атрофлича баҳолайди.

Башарти, шахс Қорақалпоғистон Республикасига бориб яшамоқчи бўлса, комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг уни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул этиш ёки унинг фуқаролигини тиклаш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги, шу жумладан республикада унга иш, турар жой ва бошқа қулайликлар бериш имконияти бор-йўқлиги ҳақидаги фикрини эътиборга олади.

Комиссия ўз ихтиёридаги иш юзасидан материаллар ва ҳужжатларни тегишли давлат идоралари ва жамоат ташкилотларидан талаб қилиб олишга ҳақлидир, бу давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари эса комиссия белгилаган муддатда зарур маълумотни тақдим этадилар.

Комиссия ҳар бир ариза ёки тақдимнома юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади.

Комиссиянинг қарори баён билан расмийлаштирилади, уни комиссиянинг мажлисида қатнашган барча аъзолари имзолайдилар.

39-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг қабул этилиши

Фуқаролик масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти фармонлар чиқаради.

Агар Фармонда бошқа муддат белгиланган бўлмаса, фуқароликдаги ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқарилган кундан бошланади.

Фуқаролик масаласига оид тақрорий ариза, қоида тариқасида, шу масалага оид аввалги қарордан кейин бир йил ўтгач кўриб чиқилади. Иш учун муҳим бўлган ҳамда ариза берувчига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган вазиятлар вужудга келган тақдирда тақрорий ариза илгарироқ ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

40-модда. Фуқаролик масалаларига оид аризаларни кўриб чиқиш муддати

Фуқаролик масалаларига оид аризалар ёки тақдимномаларни кўриб чиқиш муддати бир йилдан ошмаслиги керак.

VII. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ҚАРОРЛАРНИНГ ИЖРОСИ

41-модда. Фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этувчи идоралар

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларга нисбатан фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг ижроси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг тегишли идоралари, фуқаролик ҳолатини қайд этиш бўлимлари, чет элда яшовчи шахсларга нисбатан эса Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги зиммасига, Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари зиммасига юклатилади.

42-модда. Паспортлар ва истиқомат учун гувоҳномалар бериш

Қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган шахсларга Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар идоралари ёки дипломатия ваколатхоналари ёхуд консуллик муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг паспорти топширилади. 16 ёшга етмаган болаларнинг ҳужжатларига уларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги ёзиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасида яшаб турган, лекин Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўхтатилган, бошқа давлат фуқароси бўлмаган шахсларга ички ишлар идораси томонидан фуқаролиги бўлмаган шахсларга мўлжалланган истиқомат гувоҳномаси берилади.

43-модда. Фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг ижросини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид қарорлар ижроси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси томонидан, шунингдек бошқа ваколатли идоралар томонидан ўз ҳуқуқлари доирасида назорат этилади.

VIII. МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК МАСАЛАЛАРИГА ОИД НОҲАҚ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ

44-модда. Мансабдор шахсларнинг фуқаролик масалаларига оид ноҳақ хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш

Фуқаролик масалаларига оид аризаларни қабул қилишдан асоссиз бош тортганлик, аризани кўриб чиқиш муддатларини бузганлик, шунингдек мансабдор шахсларнинг фуқаролик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартибини ва фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этиш тартибини бузадиган бошқа ноҳақ хатти-ҳаракатлари хусусида улар бўйсунадиган юқори мансабдор шахсга ёки судга қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

IX. ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

45-модда. Халқаро шартномаларнинг қўлланилиши

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонунда баён этилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ушбу Қонун у кучга кирганидан кейин юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилади.

3. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтирилгунига қадар ушбу Қонунга зид бўлмаган амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилаверади.

4. Ўзбекистон Республикаси фуқароснинг паспорти ҳақидаги ҳамда туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ҳақидаги низомларни тасдиқлангунга ва уларнинг намуналари тайёрлангунга қадар мавжуд ҳужжатлар амалда бўлаверади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини ушбу Қонунга мувофиқ ҳолга келтирсин;

ушбу Қонунга зид бўлган идоравий норматив ҳужжатлар қайта кўриб чиқилишини ва бекор қилинишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси фуқароснинг паспорти ва туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ҳақидаги низомларни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар беришга доир 5- ва 42-моддаларнинг босқичма-босқич жорий этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 июль.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» РЎЗНОМАСИНИНГ ИЛОВАСИ № 17

ТАБИАТ ва ИНСОН

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг саҳифаси

ҲОЗИРГИ куннинг долзарб муаммоларидан бири ташқи муҳит объектларини, яъни ҳаво, сув, тупроқ ва озиқ-овқатларни зарарли турли кимёвий моддалар, биологик чиқиндилар ва бошқалар билан ифлосланишидан муҳофаза қилишдир. Бу муаммо ҳозирда давлатлараро катта масалага айланиб қолди.

Фан ва техника тараққиёти йирик саноат марказларининг пайдо бўлишига ижобий таъсир кўрсатди. Ўз навбатида эса кишиларнинг яшаш шароитларини кўп томондан яхшилади, оғир қўл меҳнатини автоматик жараёнлар ёрдамида енгиллаштиришга имкон берди. Жамиятда ишлаб чиқариш кучларини ва воситаларининг кенг кўламда ривожланиши табиий бойликларни тезроқ, кенгроқ ва кўпроқ ўзлаштиришга сабаб бўлмоқда. Аммо, табиий бойликлар ҳам чексиз эмас. Демак, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқалар сиҳат-саломатлигини сақлаш касалликларнинг олдини олишдаги асосий масалалардан ҳисобланади.

Республикамизнинг бағри кенг, унда табиий бойликлар мўл. Унда саноат учун зарур бўлган хом ашёлар: кўмир, ноёб ва нодир металлар, нефть ва газлар билан бир қаторда уран бойликлари, қудратдан энергия олинадиган улкан ва жўшқин дарёлари, кўп ҳайвонот олами ранг-барангдир.

* *Кўпнинг кенгашига*

ХАЛҚИМИЗ ОЛДИДА ЖАВОБГАРМИЗ

Яна такрор айтамизки, бу бойликлар чексиз эмас. Шундай вақтлар келадики нефть ҳам, кўмир ҳам ва бошқа бойликлар тугаб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам табиий бойликлардан тадбиркорлик билан фойдаланиш маъқулдир. Агар биз ўзимиз яшаётган сайёрага назар ташласак, инсон сўнгги 100—150 йиллар давомида табиатни, ер қобиғи бўлмиш биосферани шунчалар ўзгартирдики, бунинг миллион йиллар давомида барпо бўлган гўзаллигига раҳна солмоқда, ноёб ва нодир жониворларнинг баъзи бирлари йўқ бўлмоқда, азон пардаси йиртилмоқда, тупроқларимиз ўз ҳосилдорлик хусусиятларини йўқотмоқда. Катта-катта ўрмонлар йўқолиб, улар ўрнига ҳашаматли темир-бетон иморатлар, завод ва фабрикалар қад кўтармоқда. Ер ости ва ер усти бойликларини муттасил қазиб олиш оқибатида тоғлар ўрнида катта чуқурликлар, юза ерлар устида катта тепаликлар пайдо бўлмоқда.

Ўз чиройи билан кишини ром қиладиган шўх жилғалар, кўркам дарёлар, зилол кўллар, қудратли денгиз ва океан сувлари завод ва фабрикаларнинг чиқинди сувлари ҳамда мингларча шаҳарларнинг оқава сувлари билан ифлосланиб бормоқда. Оқибатда инсон билан ташқи муҳит ўртасидаги ўзаро мутаносиблик бузилмоқда.

Маълумотларга қараганда, фақат XIX асрнинг ўзида инсоният ер қаъридан 22 миллион 711 минг тонна қўрғошин, 11 миллион 375 минг тонна рух, 10 миллион 679 минг тонна кумуш, 11,5 минг тонна олтин, 27,5 минг тонна алюмин қазиб олган. XX асрда эса табиий бойликлардан фойдаланиш тобора ортиб бормоқда 2000 йилга бориб ҳозиргига қараганда тошкўмир ёқилғи сифатида 2—2,5 маротаба, нефть 3,5—4, ўрмон маҳсулотлари 1,5—1,8 марта кўп ишлатилар экан. Бу эса ўз навбатида экологик ҳолатни мутлақо бузиб юборади.

Улкан саноат корхоналарининг миллион тонналаб чиқиндилари ташқи муҳитга чиқарилиб ташланмоқда, оқибатда табиатнинг ўз-ўзини тозалаш жараёни бузилмоқда. Ҳозир содир бўлаётган экологик жараёнларнинг жами ернинг қалин бўлмаган юза қобиғи биосферада мавжуд бўлмоқда. Инсоннинг биосфера ҳолатига таъсири фан ва техника тараққиёти давомида жуда катта ўрин тутмоқда.

Бунинг устига сувдан қишлоқ хўжалигида оқилона фойдаланилмаслик, сув манбаларининг чиқинди ифлос сувлар билан булғаниши, саноат корхоналарининг сувга бўлган катта эҳтиёжи сув танқислигини келтириб чиқаришга сабаб бўлмоқда. Шуни айтиш керакки, ҳозирги илмий-техника революцияси даврида ҳам сув муҳим хом ашё воситаси, ёрдамчи, беминнат дастёр сифатида ҳам қадрланади. Маълумотларга қараганда, ҳар бир консервага дўкон пештахтасига кириб келгунча, ўрта ҳисоб 40 литр сув сарфланади. Саноатимиз бир тонна ип-газлама ишлаб чиқариш учун 2500 м³, бир тонна аммиак ишлаб чиқариш учун 2000 м³, бир тонна никель моденини аритиш учун 4000 м³ сув сарфланади. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Шунинг ўзи тоза сувнинг қанчалик зарурлигини яна бир бор исбот этади.

Энг ачинарлиси шундаки, шаҳардаги катта-катта сув ҳавзалари ахлатхонага айланмоқда. «Ахлатхонага ким айлантиряпти?» деган савол туғиляпти. Тошкент шаҳридаги Кайковус канали, Бўрижар сув ҳавзаси, Кўкча даҳасидаги сув ҳавзаларини кўриб, кишининг бадани сесканиб кетади. Шундай ачинарли ҳолатларнинг сабабчиси — олий зот инсон. Ҳаммамизга маълум, ҳар бир хонадонда энг камида ҳозирда икки киши олий маълумотли, саводхон кишилардир. Аммо кўра била туриб шу сув ҳавзалари атрофига жойлашган аҳоли уй чиқиндиларини, турли ахлатларни бамайлихотир сувга ташлайдилар. Илгариги вақтларда бирор киши сувни ифлослантирса, қаттиқ жазоланар эди. Ҳозир-чи? Нима бўлди ўзи? Сув ҳавзаларининг ифлосланиши қандай касалликларга олиб бориши бундай кишиларга маълуммикин? Ҳозирда қанча-қанча кишилар сариқ касали, қорин тифи, ичбуруқ ва бошқа зарарли касалликларга мубтало бўлаётганларидан хабарлари бормикан? Юқорида зикр қилинган касалликларнинг микроб ва вируслари сув таркибида анчагина сақланиб, ўз хусусиятларини йўқотмайдилар. Улар турли касалликларни тарқатишга сабабчи бўладилар.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи объектлар кейинги вақтларда жуда кўпайиб кетди. Автотранспорт, саноат корхоналари, иссиқлик электрстанциялари, чорва мажмуалари, қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган заҳарли кимёдорилар ҳавони ниҳоятда ифлослантириб унинг табиий таркибини бузмоқда. Фақат бизнинг республикамизда 500 га яқин саноат корхоналари, бошқа атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи яна 35 минг манба борлиги аниқланди. Шаҳар ва қишлоқларда жуда кўп саноат корхоналарининг аҳоли турар жой билан корхона жойлашган масканларнинг санитария ҳимоя қилиш масофаларининг йўқлиги маълум. Буларнинг ҳаммаси кишиларнинг сиҳат ва саломатлигига жиддий таъсир этаяпти.

Автомобиль транспорти тобора ортиб бормоқда, баъзи бир тафсилотларга қараганда, ҳозирда ер куррасида 400 миллиондан ортиқ автомобиллар мавжуддир.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, бир енгил автомобиль йил давомида ёқилғининг ёнишига 4 тонна ҳаво кислороди сарфласа, машина дудбўронидан 800 килограмм ис гази, 40 килограмм азот оксиди, 200 килограмм ҳар хил карбон сувлар ажратиб чиқаради. 400 миллиондан ортиқ автомобил-чи?

Савол туғилади: нега Тошкентимизнинг ҳавоси бунчалик ифлосланяпти? Текширишлар шуни кўрсатадики, жуда кўпчилик саноат, автотранспорт корхоналарининг табиатни муҳофаза қилиш, тозалаш иншоотларининг самарадорлигининг пастлиги, уларнинг эскириб кетганлигидан. Шаҳар кўчаларида юрадиган жуда кўп автомобилларнинг ҳаво тозалаш қурилмаларининг яхши ишламаслиги дудбуронларидан заҳарли газларнинг кўп миқдорда ажралиб чиқишига сабаб бўлмоқда. ДАН ходимлари бундай ҳолатнинг олдини олиш, ёрдам беришнинг ўрнига бефарқлик қилмоқдалар. Саноат корхоналарининг, автотранспорт парклариниг ва бошқа халқ хўжалиги корхоналари бошлиқларини халқимиз олдидаги жавобгарлигини ошириш, экология илмидан хабардор бўлишини таъминлаш зарур. Фақат шундагина, ҳозирги экологик аҳволни тузатиш мумкин.

Ш. ОТАБОЕВ,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти умумий гигиена кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Беруний номли Давлат мукофоти соҳиби.

Бўзсув соҳилларидаги табиат кишини мафтун этади.
Равиль Альбеков сурати.

НОЛАСИДАН ЭЗИЛАР ДИЛИНГ

Ёғоч қамиш юки елкада,
Момо Орол чиқди олдимдан.
Паҳмоқ бўлиб оппоқ сочлари,
Ялиниб йўл сўрар ҳар кимдан.
Мажолм йўқ, сўзлари ёлуқ,
Ноласидан эзилар дилинг.
— Бу не аҳвол, бу қандай қилиқ,
Эй инсонлар, ёрдамга келинг.
Бошим ганграб, чилпарчин бўлди,
Даҳшат оқар йиғи-ёшимдан.
Наҳот менинг паймонам тўлди,
Қон сўрилар тана тўшимдан.
Сен бор бўлсанг улуғ одамзод,
Қайда кўзинг, қани пок юрак.
Қай гуноҳдан бўлдимей, ҳайҳот,
Мен қорабахт, бер ўзинг дарак.
Ўпкам тошиб туз қусаяпман,
Қора босган ушбу қоқ чўлда.
Дардим айтиб қўл чўзаяпман.
Сен мадад бер, одамзод, қўлла.
Кўп замонлар бахтиёр эдим,
Сувим тўла, қирғоғим баҳор.
Неки борим элимга дердим,
Сумбул сочим эди қамишзор.
Зилол сувим гоҳ уриб тўлқин,
Чўмилтирар эди қуёшни.
Авжга чиқиб шодлик ва шовқин,
Завқлантирдим кексани, ёшни.
Соҳилларим кўк ўтлоқ бўлиб,
Йилдан йилга ўсарди бўйим.
Қирғоғимдан сув тошиб, тўлиб
Кенг дунёни тутди обрўйим.
Яшаб келдим икки дарёнинг,
Садоқатин эмиб, қувониб.
Фарзандиман Ўзбекистоннинг.
Меҳри билан юрагим қонив...
Фиғонларим чиқиб фалакка,
Сув танқислик жонимдан ўтди.
Азоб тиғи етиб суякка,
Кўзларимни ғуборн тутди.
Айрилгандим икки ўғлимдан,
Орқасидан дод солиб қолдим.
Жудо бўлиб оёқ-қўлимдан.
Бошсиз, кўзсиз меш бўлиб қолдим.
Эй, чин инсон бор бўл дунёда,
Ҳақиқатга соҳиби султон.
Бир зумгина қулоқ сол менга,
Керак эмас дарёйинг — Уммон.
Мендай гавҳаридан айрилган.
Заргар Орол ҳолини сўргин.
Ҳикмати йўқ ерга йўғрилган,
Сувларимни қайтариб бергил.
Қайтажакдир нафақат дарё,
Қуйилажак оби ҳаёт ҳам.
Бериларму кўзимга энё.
Бахт топарман қачон чинакам!

Эшниёз УРОЛОВ.
Нурота райони.

ПОЙТАХТИ М И З-НИНГ Чилонзор районига жойлашган 2-автокомбинатда бўлганмисиз? У ердаги саришталикни кўриб севингансиз албатта. Автокомбинат тўғрисида алоҳида тўхталса арзийди. Негаки автокомбинат бир неча йиллардан бери Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг таҳсинига сазовор бўлиб келмоқда. Очиқ майдонларнинг ҳамма ёғи ям-яшил сўлим ва салқин, гулу баргларга бурканган.

Автокомбинат н и н г бош муҳандиси Н. Аҳмаджонов корхона теварак ва атрофлари ва мўътадил ҳавосининг мусаффолиги бўйича мутасадди бўлса, автоколонна ва техник назорат бўлими бошлиғи Т. Турғунов йўлларда қатновчи автомобилларнинг ҳавонинг зарарсизлантирмасликлари бўйича масъул ҳисобланади. Табиатни муҳофаза қилиш ишлари бўйича олиб борилаётган тадбирлару аниқ қилинаётган ишлар ҳақида автокомбинатнинг биринчи даражали муҳандиси Н. Тўхтамишев ҳисобот бериб боради.

* *Ибрат олса арзийди*

ТАҲСИНГА САЗОВОР

— Табиатни асраш аслида ҳар бир кишининг бурчи ва ишидир, — дейди автокомбинат муҳандиси Н. Тўхтамишев. — Айниқса, бизнинг маъмуриятимиз раҳбарлари — директоримиз Саъдулла Аъзамов, бош муҳандисимиз Ниғмон Аҳмаджоновлар бу ишларга алоҳида аҳамият бериб, табиат муҳофазаси борасидаги барча ташаббусларим и з н и ҳам қўллаб-қувватлаб туришади. Аслида мен бу ерда ҳали янгиман. Шундай бўлишига қарамай, бу ерда анчамунча тажрибалар ҳам орттираяпман. Қизиғи шундаки, биздаги ҳайдовчилар кўчага, одамлар хизматига жўнаётган автомобилларга шунчаки эмас, балки ўз бурч ва масъулиятларидан келиб чиққан ҳолда техник хавфсизлигига, табиатни ифлослантирувчи қисмларига жиддий эътибор берган ҳолда муносабатда бўладилар. Ҳар бир автомобиль 3500—4000 километрдан кейин техник назоратдан ўтказилиб, кам-кўсти тузатилади, керакли қисмлари ҳам янгиланади. Автокомбинатимизнинг 1500 автомашинаси бор. Буларни 1, 5, 6-автоколонналаримиздаги ҳавони булғовчи газларни текширувдан ўтказиб турувчи навбатчиларимиз «Инфралит—1100» ва «ГАИ—1» каби қурилмалари билан текшириб боришади.

2-автокомбинат маъмуриятининг бу хайрли ишларидан ҳам билса бўладики, улар аллақачоноқ бозор иқтисодиётини, келгусидаги инсон тақдирини ва шуларни барқарорлаштирувчи табиатни мусаффо сақлаш лозимлигини тушуниб етишган. Ҳа, улардан нафақат бошқа автокорхоналар, балки ташкилот ва идоралар ҳам ўрнак олса арзийди.

Шукур ЖАББОРОВ.

ШАҲРИМИЗНИНГ ер ости сувлари ҳақида гап кетганда дастлаб уларнинг тозалигини назарда тутиш одат тусига кириб қолган. Афсуслар бўлсинки, бугунга келиб ер ости сувларини экологик жиҳатдан талабларга тўла жавоб беради деб бўлмайди. Хусусан саноат зоналаридаги аҳвол ниҳоятда ташвишланарлидир. Айниқса, Сергели ва Бектемир районлари, Тошкент трактор заводи, Тошкент тепловоз таъмир заводи, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги, «Электроаппарат», Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаларининг Чирчиқ дарёсининг бошланишида жойлашганлиги ер ости сувларининг таркибини бузилишига таъсир ўтказмоқда.

«Ўзбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Краснохолмгеология» ишлаб чиқариш геологик бирлашмаси ва шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети томонидан биргаликда ер ости сувларидан намуналар олиб текширилди. Натижалар эса шаҳар ер ости сувлари ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш имконини берди.

Ер ости сувларида нималар бор ўзи? Улар нефть маҳсулотлари, фенол, азот, аммоний ва нитратлар, оғир металл бирикмалари билан жуда тўйинганини алоҳида таъкидлаш керак. Ҳатто айрим текширишларда стронций, кадмий, ваннадий, маргимуш ҳам борлиги аниқланди.

* *Ҳам куласиз, ҳам куясиз*

ДАРД УСТИГА ЧИПҚОН

Ушбу ифлосланишлар жуда оддий ҳолларда юз бераётганидан кишининг дили қаттиқ ғашланади. Наҳотки ер ости омборлари ёки чуқурга ўрнатилган қувур ўтказгичлар, суюқликлар тешиклардан, ёриқлардан сизиб ётсаю, ҳеч кимнинг бу билан иши бўлмаса? Аниқ бир мисол: Тошкент трактор заводининг 60 кубометрдан суюқлик сақланадиган 16 та ҳовузи ердан қавлаб қурилган! Чуқурликдаги насос станциялари қанча чуқурликка кириб борган сари у шунча кўп нефть маҳсулотларига тўлиб-тошган, сувларга дуч келмоқда. Завод раҳбарияти эса омборларни қайта қуриш юзасидан 1992 йилда бажарилиши керак бўлган тадбирларни орқага сурмоқда.

Ер остидаги сувларнинг ифлосланиши оқибатида ноқулай биокимё жараёнлар сабаб «Чкалов» метро бекати икки марта ёпиб қўйилган эди. Шу муносабат билан авиабирлашманинг эски ер ости омбори 1989 йилда тугатилган эди. Янги омбор эса очиқ усулда қурилди. Лекин ер ости қувурлари ўтказилди. Унинг атрофида ифлосланган ер ости сувлари тўпланди. Заводдаги махсус муҳофаза қилиш хизмати томонидан эса бунинг сабаблари аниқланмади. Барибир авиабирлашманинг «Б» ҳудудидаги мазут сақланувчи омборхона жиддий хавф солиб турибди.

Худди шундай Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи ҳам метро ҳудудида катта ер ости омборларига эга. Ваҳоланки, шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети бундай ер ости омборлари қуриш ишларини маъқулламаган эди. Бунинг устига кўпгина объектларнинг усти маҳкам ёпилмаган, нефть маҳсулотлари бутун завод ҳудуди бўйлаб оқиб ётибди. Тошкент тепловоз таъмир заводининг бутун ҳудуди эса ниҳоятда оғир аҳволда ётибди.

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети томонидан агрегат заводининг омбори ёпиб қўйилди. Завод маъмурияти ўз ишини хўжасизларча олиб бораётгани сабаб 9 марта, умумий қиймати 2600 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Унинг қўшниси, «Компрессор» заводи ҳам, «савоб» ишлардан четда қолаётгани йўқ: 4 марта, умумий ҳисобда 1200 сўм жарима тўлади!

Ҳанузгача заҳарли чиқиндиларни кўмиш масаласи ижобий ҳал қилинмади. Ушбу чиқиндиларнинг кўп қисмини гальваник шламлар ва ишланган электролитлар ташкил қилади.

Чкалов номли авиабирлашманинг «Б» ҳудудида олти валентли хром билан ер ости сувларининг заҳарланиши ниҳоятда ташвишлидир. Ер ости сувларининг заҳарланиш даражаси меъёрдан бир неча баравар ортиб кетгани, унинг сира камаймаётгани дард устига чипқон бўлиб турибди.

Сув — бу ҳаёт деймиз. Лекин айнан шу ерда ер ости сувларининг аҳволини ўрганишни истамаймиз. «Ичимлик сув тоза бўлса бўлди-да» деб ўйлаймиз. Лекин ифлосланган ер ости сизот сувлари ичимлик сувга таъсир этмайдими? Бугунми-эрта сув ҳавзаларимиз ҳам ер ости сувларининг аҳволига тушиши мумкинку! Унда додимизни кимга айтамиз?!

Демак, янги корхоналар қурилаётганда, эскилари қайта таъмирланаётганда ер ости сувлари ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз керак. Чунки бу аҳволда ишлайверадиган бўлсак умуман ернинг ўзи яроқсиз ҳолга келиб қолиши, майсаю дарахтлар ҳалок бўлиши мумкин! Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди, асло!

Толиб САЪДУЛЛАЕВ.

МУҚИМ ОТА БОҒИ ҚУРИМОҚДА

ШАҲРИМИЗ об-ҳавосини салқин қилиб, инсонларга кислород чиқариб турган дарахтларни кўз қорачиғидек сақлаш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Аммо биз инсонлар сўнгги пайтларда бу муқаддас бурчимизни унутмоқдамиз. Бунга мисол учун Шайхонтоҳур районидаги Ҳуршид маҳалласига қарашли Лабзак бекатидаги 1 гектарга яқин бўш майдонга бундан 15 йил бурун Муқим ота Нормуҳаммад ўғли 70 ёшида савоб бўлар деган мақсадда 500 тупдан ортиқ терак, сада, қайрағоч экиб, шу дарахтларга Лабзак ариғидан сув чиқариб, ўрмон барпо қилган эди. Ёзнинг иссиқ кунларида шу атрофдаги 5—6 қаватли турар жойда яшовчи ва Ҳуршид маҳалласи аҳолиси ўрмонда дам олишар эди.

Муқим ота 80 ёшдан ошиб вафот этганларидан сўнг бу ўрмонзорга ҳеч ким қарамай қўйди. 3—4 йилдан бери дарахтларни ҳеч ким суғормаётир. Бу ўрмонзорга Шайхонтоҳур район ободончилик бошқармасининг раҳбарлари ҳам бир қиё боқмаётирлар. Натижада дарахтлар қурий бошлади. Энди умидимиз шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг раҳбарларидан. Муқим ота барпо этган бу боғни қуришдан сақлаб қолсалар савобли иш бўлар эди.

Абдуфаттоҳ ҳожи НАБИҲЎЖА ўғли.

* *Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетида*

ЖАРИМАНИ ЁНЛАРИДАН ТЎЛАШАДИ

ТОШКЕНТ шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети назоратчилари 1992 йил июнь ойида 48 ишлаб чиқариш ва 11 автотранспорт корхонасини текшириб, 119 та далолатнома туздилар. Аниқланган камчиликларни йўқотиш учун 387 та чора-тадбирларни бажариш корхона раҳбарларига юклатилди. Улардан 174 таси ҳозиргача бажарилди.

Табиатни муҳофаза қилиш қонун-қоидаларини бузганлиги учун корхона раҳбарларидан 53 кишига 13900 сўм жарима солинди. Табиатга етказилган зарарларни қоплаш учун корхоналарга умумий миқдори 433432 сўм жарима белгиланди, 54 та корхона, цех ва автомобиллар ишини тўхтатишга қарор қилинди.

12 майдан 13 июнгача «Нефть маҳсулотлари» бирлашмаси билан ҳамкорликда «Тоза ҳаво» операцияси ўтказилди ва бунда нафақат автомобиллардан чиқаётган дудларнинг миқдори меъёрдагидан ортиқлиги текширилди, балки сифати ҳам диққат марказида турди.

«Совпластитал» қўшма корхонасидан атмосферага чиқаётган аммиак, формальдегид газларининг миқдори меъёрдан ошиб кетганлиги учун корхонага табиатга етказилган зарарни қоплаш учун 406043 сўм жарима солинди. Шу корхонанинг бош муҳандиси Э. Арутюнов ўз чўнтагидан эса 500 сўм тўлайдиган бўлди.

«Тошкент» аэропорти қозонхонасидан ҳавога чиқарилаётган азот ва углерод оксидининг миқдори меъёрдан ошганлиги учун корхонага 8402 сўм жарима солинди.

Заҳарли чанг ва газлар ҳайдар. Назоратчилар томонидан корхона раҳбарларига юклатилган чора-тадбирларни бажармаганликлари учун «Союзтелефонстрой» корхонаси раҳбарининг муовини А. Кац 300 сўм, 13-«Мостоотряд» гаражи раҳбари Т. Горчанов 200 сўм, «Таштекстильмаш» заводи бўлим бошлиғи В. Болошов 300 сўм, «Средазэлектроаппарат» корхонаси бўлим бошлиқлари И. Абдуманов ва Х. Худойбердиевлар 200 сўм, «Миконд» бирлашмаси бўлим бошлиқлари В. Столбцов 500 сўм, Б. Рустамов ва Р. Аҳмедовлар эса 300 сўм, 8-автобус парки бош муҳандиси М. Сотиболдиевлар 300 сўмни ўз ёнларидан қуртдек санаб берадиган бўлдилар.

Сув ҳавзаларини ифлослантирганликлари учун «Ташсельмаш» заводи бўлим бошлиқлари С. Тошкенбоев 500 сўм, З. Каримов 300 сўм, Э. Мусаев 1000 сўм, 76-кўчма механизациялашган колонна бош механиги И. Родионова 300 сўм, савдо маҳсулотлари корхонаси муҳандиси Ю. Насибов 200 сўм, трактор заводи бўлим бошлиғи К. Давлатёров 500 сўм, «Эталон» заводи бўлим бошлиғи Х. Орипов 300 сўм жарима билан «сийландилар».

Рўйхатни яна давом эттиришимиз мумкин. Лекин бунга эҳтиёж сезмадик.

Шоҳра ИБРОҲИМОВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети раиси.



* *Суратли айбнома*

Ёруғ олам инсонининг уйи ҳисобланади. Шундай экан у ҳамиша озода бўлиши, бирон-бир жойга зиён-заҳмат етмаслиги керак. Лекин ушбу суратларни кўриб ёқа ушлашингиз табиий. Темир йўл ёнбошларидаги чиқиндихонада ястаган нарсангизни топишингиз мумкин. Канал-нинг аҳволи ундан ҳам баттар. У сув ўйнаб-ўйнаб оқадиган ариқ эмас, ким нима хоҳласа шуни ирғитадиган ахлатхона чамаси. Суратга қарайсизу бенхтиёр ўйлаб қоласиз: бу лоқайдликда қачонгача яшаймиз! Эртани ўйлайдиган кун қачон келади!

Андрей Пишненко суратлари.

* *Аччиқ, аммо очиқ гап*

УНДА СУВЛАР ТИНИҚ ОҚАРДИ

БУ ВОҚЕА олтмишинчи йилларнинг бошида бўлган. Мен 5-6 ёшли бўз бола эдим. Бизлар шаҳар чеккасидаги «Катта Қазон» қишлоғида, шундоқ гузарда яшардик. Мен учун гузар дунёнинг маркази эди. Дўкон, дорихона, чойхона, мачит ва клуб шу ерда жойлашган, уларни оралаб беш кўча қишлоққа ёйилиб кетганди. Ўша кўчалардан одамлар харид учун озиқ-овқат ва саноат моллари сотиладиган зах бинога жойлашган дўконга, дардга чалинганлар касалхонага келардилар. Ҳар донм чоллар билан гавжум чойхона ва сартарошхона ҳам шу ерда эди. Клубда кино қўйиладиган кун гузар байрамона тус оларди.

Юрагимни орзиқтирадиган яна бир нарса— анҳорнинг гузардан оқиб ўтиши эди. Унда сув жуда тиниқлигидан тубидаги тошлар кўриниб турар, офтоб нури зилол сувда синиб, тошлар ҳудди қўлинг етгудек яқин кўринади. Қўлимни сувга тиқиб қанчалар уринмайин тошларга етолмасдим.

Бешта кўчадан бири анҳорни кесиб ўтганди. Ўша ерда кўприк бор эди. Кўприк остида балиқлар кўп бўлар, салқинда ғужғон ўйнашарди. Гоҳо балиқлар соядан офтоб нурига чиқиб кумуш ранг тангаларини кўрсатардилар-да сув тўлқинлари юваётган, ҳудди қишлоқда якка-ю ягона рус — темирчи Костя амакининг қизи Наташанинг малларанг сочлари каби узундан-узун ўтлар орасига кириб, кўздан йўқолардилар. Бу манзарани соатлаб томоша қилардим.

Бир куни балиқларни томоша қилаётсам дорихона қаршисида, кўченинг нариги томонидаги ўтлоқда дам олаётган «улфатлар» ғижиллашиб қолишди. Уларнинг оёқлари остида йиқилиб ётган шиша ичидаги май йигитлар қонида кўпириб ўз кучини кўрсатмоқда эди. Бола бўлсам-да арақ ва унинг оқибати ҳақида озми-кўпми тасаввурга эга эдим. Бундан икки ойларча бурун Аҳмад пиён деган забардаст йигит дўкончи билан маст ҳолда муштлашганди. Ушанда иккисининг оғзи-бурни қора қонга беланди. Бу йигитларнинг жанжали ҳам борган сари кучаяр, бутун диққат-эътиборим бемаҳтиёр кумуш тангачали балиқлардан маст йигитларга қаратилди.

Хотирамда Аҳмад арақхўрнинг дўкончи билан дўппослашгани намоён бўлди. Жанжалкашлар масалани «даҳанаки жанг» билан ҳал қилолмаганларидан сўнг бир-бирларига ҳезлана бошладилар. Уларни ажратаман деб ўртоқлари бефойда ҳаракат қилардилар. Яна бир неча сониялар ичида кимнингдир бурнига ёки оғзига мушт тушиб қолиши,, кўзининг тагида «чақмоқ» чақиши турган гап эди. Шундай фавқулодда нозик маҳалда мен учун мўъжиза рўй берди. Дорихона орқасидаги кўчадан тўрт киши пайдо бўлди. Булар — Эргаш, Икром, Мавлон ва Тўра муаллимлар эди. Улар шошилмасдан нимадир ҳақда баҳслашиб, гоҳ бирор ерда тўхтаб суҳбатдошлари айтган гапнинг маъзини чақиб, гоҳ анҳорнинг у бетига жойлашган боғдаги баланд дарахтларда ўтириб сайраётган майналарни завқ билан томоша қилиб келар эдилар.

Жанжалкаш йигитлар уларни кўриб дарров сўндилар. Кимдир «Муаллимлар!» деди. Бирпасда оёқ остидаги шишалар ҳам кўздан ғойиб бўлди. Шоввозларнинг ғайрати ўчиб пичирлаб баҳслашиш бошланди. Муаллимларнинг пайдо бўлиши назаримда лаҳза ичида бутун гузар ва ундаги одамларга, шу жумладан жанжалкаш йигитларга ҳам ўз таъсирини ўтказганди. Аммо фақат кумуш тангачали балиқлар ўқитувчиларнинг оёқлари тагидаги кўприк соясида ҳеч нарсага эътибор бермай ҳамон ғужғон ўйнашмоқда.

Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтди. Ўқитувчилар яна ўз йўлларида давом этдилар. Шу кундан бошлаб мен учун гузар таассуротига муаллимларни унден ўтиш ҳам қўшилди. Муаллимлар қишлоқнинг олд зиёлилари эди. Тўй-маъракалар, мажлислар раис, қишлоқ оқсоқоллари ва муаллимларнинг маслаҳати билан ўтарди. Шуларнинг ичида муаллимлар алоҳида ўрин тутгандилар. Қишлоқда мактаб мўътабар даргоҳ— ҳар кимсанинг фарзанди сабоқ оладиган жой, бу даргоҳнинг мутасаддилари ўқитувчилар эди. Улар билимдон, босиқ табиатли, кийинишлари ҳам ўзгача, ҳатто улуғвор эдилар. Бирор кимсега қаттиқ гапирганларини кўрмаганман.

У замонлар ўтиб кетди...

Унда сувлар тиниқ оқарди...

Орадан чорак асрдан мўл вақт ўтди. Ҳозир мухбир бўлиб ишлаяпман. Мана, олдимда ўқитувчилар устидан ёзилган бир уюм хатлар, тўғрироғи нолалар. Менга нечоғлик оғир бўлмасин бу хатлардан сатрлар келтираман.

«6—7 ёшли биринчи синф ўқувчиси ўқий олмаса унинг бошини доскага уриш керакми? Уйга берилган мисолни ечолмаса бир оёқда турғазиб стул ёки 5-6 та портфель кўтаргизиш, тепиш шартми? Бундай жазоланган ўқувчи мактабга боргиси келмайди, ота-она бор деб қистаса кўчама-кўча тентираб юради. Муаллимлар уриб ўргатгунча муомала билан, ширин гаплар билан ўқитса бўлмайдими? Йўқ! Сиз унинг мағрурланиб айтган гапларига қаранг: «Ким дарсда дафтарга чизса, мен унинг юзига чизаман. Бошқа ўқувчилар танаффусда тупириб юзидагини ўчирадилар».

Иккинчи келтираётган мактубдаги гаплар ҳам биринчисидан қолишмайди. Эътибор беринг:

«Алгебра ўқитувчимиз Б. Жумағулов дарс пайти бironта ўқувчини камситиб устидан кулиб ўтирадилар. Шу билан бир соат давомида латифа эшитамиз. Узиям латифанинг устаси фаранглардан. Ишласак битта ёки иккита мисол ишлаб қоламиз. Тушунмаган болалар Б. Жумағуловга савол берса, «Шуниям билмайсанларми? Мен 5 дақиқада 5—10 та мисол ишлаб ташлайман», деган жавобни олади.

Э. Каримов физикадан киради. Синфда ҳеч ким физикани билмайди. Ҳамманинг «беш» баҳоси юзаки. Шу ўқитувчи ҳақида бир неча марта директорга айтдик, бироқ натижа чиқмади.

Тарих ўқитувчимиз С. Жўраева ўқувчиларнинг фақат бошига уради. Танаффусга чиқиб бир-биримизнинг бошимизни кўрамиз, шишиб кетган бўлади. Бундан безор бўлган болалар тарих дарсига кирмайди. Мушт биз қизларнинг ҳам бошимизга тушган. Қанийди шу ўқитувчи бошимизга урмаса...

Биз ўқитувчи ва директордан қўрққанимиздан номимизни ёзмадик. Хатни 30 ўқувчи иштирокида ёздик...»

Эътиборингизга фақат икки хатдан парча келтирдим. Газетага йил давомида келаётган шундай мазмундаги хатлар бу муаммонинг нақадар муҳимлигини билдиради. Хўш, ўқитувчиларнинг жоҳиллиги илгариям бўлганмиди? Узим ўқиган даврни эслайман. Мен ўқиган 169-ўрта мактабда Муҳаррам Одилова сал кам йигирма йил директорлик қилган. Уни ўқувчилар, ўқитувчилар ҳам «опа» деб чақирардилар. Опа жуда қаттиққўл эдилар, кези келганда биз — юқори синф ўқувчиларининг «қулоғини бураб қўйишни» қойиллатардилар. Лекин ҳеч ким, ҳатто ота-оналар ҳам бу нарсани билсалар-да опани баджаҳлликда айбламасди. Чунки, Муҳаррам опа доим тарбияни ўйлаб, ҳақиқатни деб, бошқа иложи қолмаганда жазолардилар. Яна бир мисол, бизга 9—10-синфларда Шукур ака Сатторов раҳбарлик қилган ва тарихдан дарс берганлар. Шу одамнинг дарсида энг тўполончи ўқувчи ҳам дарс тинглаб ўтирарди. унга виждонан ёндошиб, уйда тайёрланиб келардилар. Шунинг учун биз ўқувчилар бу ўқитувчиларимизни ҳурмат қилганмиз. жазоланганимизда айбни ўзимиздан қидирганмиз.

Ҳа, биздаям жоҳил ўқитувчилар бўлган. Ўқувчилар бундайларни ҳурмат қилмайди. Айниқса, мактабни тугатгандан сўнг кўз кўзга тушганда ноқулай вазият юзага келади. Бу ҳақда ўша «жаҳл чиққанда ақлдан ажрайдиган» ўқитувчилар чуқурроқ ўйласалар ўзлари учун ҳам ёмон бўлмайди.

Газетага «баджаҳл» ўқитувчилар устидан келган хатларни ўша ўқитувчи ишлайдиган район халқ таълими бўлимига юборамиз. Фақат бу йўл билан тарбияда тан жазосига қарши курашиб бўлмайди. Халқ таълими бўлимлари объектив ва субъектив сабабларга кўра уларга қатъий чора кўролмайдилар. Аввалambор бу ҳолнинг юзага келишига сабаб жамиятимиз ижтимоий қатламларининг номутаносиблигидан эканлигида деб биламан.

Дарвоқе, мен тарбияда «калтак кучи»ни ижобий ҳисоблайдиган ўқитувчилар билан суҳбатлашганман. Исм-шарифини эълон қилмаслик шарти билан улар ўз фикрларини баён қилгандилар:

1-ўқитувчи: «Кўпчилик ўқувчиларни баъзан жазолаб туришга қарши. Айниқса, ота-оналар. Қани айтинг-чи, ўша ота-оналарнинг ўзлари фарзандларини узоқ йиллик тарбия давомида бирон марта бўлса ҳам қулоғини бураб қўймайдилармн? Ахир бизлар тарбия билан ҳар куни шуғулланамиз. Бунинг устига кўпчилик ота-оналар фақат таълимнимас, тасаввур қилинг, тарбияни ҳам бутунлай мактабга ташлаб қўйганлар. Оқибатда шундай ўқувчилар учрайдики, уларга на гап таъсир қилади, на маъмурий жазо».

2-ўқитувчи: «Ўқитувчида қатъий шижоат бўлиши шарт деб биламан. Тан жазоси ҳамма ижтимоий тараққиёт босқичларида бўлган. Ривожланишда биздан ўтиб кетган капиталистик мамлакатларда бу нарса ҳалиям бор. Лекин тарбияловчи қуюшқондан чиқмаслиги, ўқувчининг иззат-нафсига тегмаслиги даркор. Йўқса, бу ҳол баджаҳлликка айланиб, тескари оқибатларга олиб келиши мумкин».

Бир воқеани жуда яхши эслайман. Тўрт синфдош мактаб майдончасида тўп тепиб қўнғироқ чалинганини сезмай қолибмиз. Соат мили дарс вақтидан ўн-ўн беш дақиқалар чамаси ўтиб кетганидан сўнг кечикаётганимизни сезиб қолдик ва юрак ютиб синфга югурдик. Биз дарсимиз анча муҳим фан ҳисобланган математика бўлгани ва янги материални ўзлаштиришга кечикаётганимиз учун эмас, балки баджаҳл ва донм кесатиб гапирадиган ўқитувчимиздан эшитадиган дакки учун саросимага тушиб қолгандик. Олдинмакетин ҳансираб синфга кириб бордик. Агар ўқитувчимиз сал зийракроқ ва фикр юритадиган киши бўлганида терлаб-пишиб қизариш ўрнига қўрқувдан оқариб кетган рангимизни кўрибоқ енгилгина танбеҳ билан чегараланиб бизларни жойимизга ўтказиб қўярди. Аммо, элементар фанлар орасида ҳаётнинг барча термоқлари (ҳатто, бугунги кунда энг долзарб бўлган космонавтика) учун ҳам жуда зарур математикага кечга қолганимиз учун дарсни қолган қисмини тарбия ишлари билан шуғулланишга ажратиб, бизларга эътиборни қаратди.

— Хўш, соатига қараб гапирди у совуққонлик билан, — эшитаман.

Бизлар бир оғиз сўз айтишга юрак бетламай бошимизни ҳам қилганча қўл қовуштириб турардик.

— Сен нега кечга қолдинг? — деб у ичимизда бўлалироқ Собирга юзланди. — Балки, ўз гавдангга ишониб «Менга келажакда математиканинг кераги йўқ» деб ўйлаётгандирсан. Тўғри, сендан яхши ҳаммол чиқиши мумкин. Бунга сенинг гавданг ярайди. Ёки, аёзли қишни, саратонли ёзни билмай лой чаплаб сувоқчи бўлармсан, ғишт терувчи бўларсан. Нима, «қора ишчи» бўлсанг сенга математиканинг кераги йўқми? Қоришма тайёрлаш учун ҳам нисбатни ола билиш керак, ғишт териш ҳисоб-китобсиз қилинмайди. Нисбат ва ҳисоб-китобни сенинг қовоққа ўхшаган калланг қилмай ман қиламанми, ахмоқ? — Унинг охирги гапига бутун синфни кулги босди.

Шундай касб-кор ва ишчига қарата айтиладиган танбеҳларни биз ўқувчилар мактабда кўп эшитардик. Ўқитувчиларимиз фанларга қизиқтириш мақсадида қуюшқондан чиқиб кетаётганларини ўзлари ҳам билмасдилар. Чунки, жамиятимизнинг маорифи ёшларни асосан ўқишга — олий маълумотга «тайёрларди». Кейинчалик ҳунар билим юртлари ва техникум деган гаплар пайдо бўлди. Лекин бу ҳунар масканлари фанлардан ўзлаштирмайдиган ва ҳулқи қониқарсиз ўқувчилар учун жазо дастгоҳига айланди. Қизиғи шундаки, ҳунар билим юртлари ва техникумлар кенг тарқалган бугунги кунда ҳам олий ўқув юртига тайёрлаш сиёсати маорифда устун бўлиб турибди. Бу ҳолни ўтказилган тажриба ва кузатувдан ҳам билса бўлади. Битирувчи йигитларнинг 82,9 фоизи, қизларнинг 80,4 фоизи олий ўқув юртларига кириш истагини билдирганлар. Бор-йўғи 5,7 фоиз йигитлар ва 4,7 фоиз қизлар ўз фаолиятларини у хоҳ ақлий бўлсин, хоҳ жисмоний бўлсин, халқ хўжалигининг бирон тармоғида меҳнат қилиш билан бошлашни маъқул топганлар. Кирганларнинг эса бутун битирувчиларга нисбатан 38,3 фоизини йигитлар, 42,7 фоизини қизлар ташкил этган. Бу номутаносиблик оқибатида олий ўқув юртига киришни орзу қилган йигитларнинг 41,7 фоизи ва қизларнинг 40,5 фоизи катта ҳаёт йўлига кириб фаолиятларини ишдан бошлашга мажбур бўлдилар. Ҳеч қандай амалий ва назарий билимга эга бўлмаган шунча ёшлар армияси халқ хўжалигининг қайси тармоғида тез ва соз ишлаб кета оладилар? Ахир улар ўша амалий ва назарий билимларни ҳунар билим юрти ва техникумларда олишлари мумкин эди-ку.

Олий ўқув юртига тайёрлаш сиёсати бизнинг синфга ҳам ўз таъсирини ўтказганди. Етуклик гувоҳномасини қўлга киритган 40 нафар собиқ синфдошларимдан атиги биттаси қурувчи бўлиб ишламоқда. Қолганлари муҳандис, агроном, ҳуқуқшунос, автомобилчи, сотувчи ва ҳоказо. Қирқ нафар собиқ синфдошлар ҳозир қирқ нафар оилани ташкил қилади. Ҳар бир оила учун бошпана керак. Бу ҳол мени қизиқтириб қўйгани учун — бизга параллел синфда ўқиганларни, биздан кейин битирган икки синфларни ўрганиб чиқдим. Умумий нисбат — парадокс, 37 та одамга 1,5—2 қурувчи тўғри келар экан. Демак, 37 оилани бошпана билан таъминлаш учун 1,5—2 қурувчи ишлаётган экан. Шаҳарнинг энг гавжум қисми ҳисобланган бизнинг Шайхонтоҳур районида бошпана киши бошига тўрт квадрат метрдан тўғри келаётган онлаларнинг энди уй-жой билан таъминланаётганини қандай изоҳлаш мумкин. Ваҳоланки, бу ҳол фақат Шайхонтоҳур районига эмас, бутун шаҳримиз, республикамиз, собиқ Иттифоққа ҳам тааллуқли экан.

Бизнинг ўзбек халқи қадимдан қурувчилик ишига эътибор билан қараган. Кўҳна Тошкентда қурилган тарихий обидалар ҳам миллий меъморчилигимиз қадимдан ривож топганига гувоҳлик бериб турибди. Шу ўринда бенхтиёр олтмиш олтинчи йилдаги зилзилани эслайсан киши. Ҳаммага маълумки, зилзила оқибатида пойтахт марказий қисми аҳолисининг кўпи бошпанасиз қолди. Иттифоқ республикаларидан келган қурувчилар ёрдамида тез орада Чилонзордаги катта мевали боғлар ўрнига йирик турар жой массиви қад кўтарди. Лекин Тошкентнинг губ аҳолиси бу уйларга чиқишни истамадилар. Шаҳарликларнинг кўпи шаҳарнинг ғарбий қисмида қуруқ ерларга ўзларининг кучлари билан уй солишга киришдилар. Тўғрида, бизнинг иссиқ иқлим шароитига мос келмайдиган тор, темирбетон плиталардан қурилган уйларга кўчиб киришмаганини тушунса бўлади. Оқибатда жуда катта ҳудудни эгаллаган «Октябрь» даҳаси вужудга келди. Бу ердаги уйларни қуриш учун одамлар 15—20 йиллаб тер тўкдилар. Ёшлар — мактаб ўқувчилари, талабалар ҳам бир чеккада қўл қовуштириб турмадилар. Улар акаларига, оталарига уй қуришда ёрдамлашдилар. Шу мактаб ўқувчиларининг асосий қисми мактаб ҳаётини уй қурилишига сарфладилар десам хато қилмайман. Узоқ йиллик хўжасизлик ва бошбошдоқлик сиёсати оқибатида собиқ Иттифоқ тасарруфида бўлганимизда ўлкамизда ижтимоий муносабатлар бус-бутунлигича қайта ислоҳга етилиб келди. Давр тақозоси билан аввал маорифда ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари белгиланди, «Ўқитувчининг жамиятдаги маънавий ва иқтисодий ўрнига эътибор кучайтирилсин» деган гаплар доимий ўткинчи шиордек ўртага ташланди. Ва қандай пайдо бўлган бўлса, шундай тезликда амалий қўлланмай кўздан ғойиб бўлди. Ўқитувчиларнинг ижтимоий аҳволи ёмонлашаверди, уларнинг орасида ишсизлик ярим ва чорак ставкада ишлайдиганлари кўпайверди. Ўқитувчилар ҳунар, деҳқончилик ёки олибсотарчилик билан шуғулланишга мажбур бўлишди. Албатта бундай муносабат енгилтабиат ва чалasавод тарбияловчиларнинг онгига ўз муҳрини тамғаламай қолмади. Тағин юқоридан мактабларда фақат яхши ва аъло баҳоларга ўқитишни талаб қилиш давом этаверса аҳволнинг ўнгланиб кетишига умид қилиш мумкинми?

Мана, республикамизда энди мустақиллик шамоллари эсяпти. Республикамиз Президенти, ҳукуматимиз ўқитувчиларнинг ижтимоий аҳволига эътиборни кучайтиряпти. Уларнинг маоши эркин иқтисодиётдаги нарх-наво билан қадам-бақадам кўтариляпти, қишлоқ ўқитувчиларига уй-жой қилишлари учун ер ажратиляпти, ўқитувчилар кўп солиқлардан озод этиляптилар. Тўғри, ривожланган мамлакатларнинг ҳаммасида аллақачон фақат лаёқатли ўқувчиларга ўрта маълумот бериш йўлга қўйилган. Ўшанда ҳам бу нарса ихтиёрий равишда амалга оширилади. Малакали ишчи ва ҳунармандларни тайёрлаш, хусусий мулкчилик муносабатларига асосланган. Бизда ҳам бу йўлда дастлабки қадамлар қўйиляпти. Бу иш катта чиқимни талаб қилади. Лекин нима бўлганда ҳам шу усул билан аҳвол тўғри изга тушишига, анҳорларда сувнинг тиниқ ва осойишта оқишига умид қилса бўлади.

Сунnат АЗЛАРОВ.

* *Фарзандлар соғлиғи йўлида*

Шифокорлар университети

ТАБОБАТ илми ва амалиёти кун сайин янгиликлар билан бойиб бормоқда. Касалликларни аниқлаш ва даволашга мўлжалланган янги-янги дори-дармонлар, мураккаб асбоб-ускуналар, амалиётга қулай услублар ишлаб чиқарилмоқда. Булардан ўз вақтида хабардор бўлиб турмаган шифокор табиийки ҳаётдан орқада қолиши шубҳасиз.

Мана шу аҳволни эътиборга олиб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги педиатрия илмий-текшириш институти ташаббуси билан бир неча йилларда буён амалий шифокорлар учун махсус университет ташкил қилиниб, у самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Университет машғулотларига Тошкент шаҳри ва вилоятининг болалар касалхоналари ва поликлиникаларининг бўлим мудирлари, участка педиатрлари, болалар соғлиғини сақлаш ташкилотчилари жалб қилинган. Улар ишдан ажралмаган ҳолда ҳар ойда икки марта машғулотларга қатнайдилар. Университет машғулотлари жами икки йилга мўлжалланган бўлиб улар соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган махсус дастур асосида олиб борилади. Машғулотларнинг тўла курсини ўзлаштирган мутахассисларга махсус гувоҳнома берилади ва улар қасб малакаларини оширган ҳисобланадилар.

Машғулотлар дастуридан педиатрия амалиётининг барча соҳалари ўрин олган. Тингловчилар нафас олиш аъзолари, овқат ҳазм қилиш аъзолари, жигар, ўт йўлларининг сурункали хасталикларини аниқлаш ва даволашнинг замонавий услублари билан батафсил танишадилар, болалар соғлиғини қайта тиклашнинг асосий принципларини ўзлаштирадилар. Болалар ўртасида аллергик касалликларнинг кенг тарқалганлигини эътиборга олиб машғулотлар дастурига болалар аллергологияси махсус бўлим сифатида киритилган. Соғлом болаларни тарбия қилиш, касалликларнинг олдини олишни ижтимоий ва онлавий амалларни ҳам машғулотлар дастуридан кенг ўрин олган.

Машғулотларни 20 дан ортиқ фан докторлари ва номзодлари олиб бормоқдалар. Уларни сифатли ўтказиш учун Тошкент тиббиёт олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтлари олимлари ва мутахассислари жалб қилинган. Улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Орхон Маҳмудов, профессорлар Хабибулла Султонов, Маънон Мирзамуҳамедов, Эргаш Салимов, доцентлар Бахтиёр Қодиров, Меҳмон Аҳмедов, Абдувоҳоб Қодиров ва бошқа малакали мутахассислар бор.

Яқинда 50 дан ортиқ шифокорлар университетнинг навбатдаги машғулотлар туркумини тугалладилар. Битирувчиларнинг 95,8 фоизи олган билимларидан қониқарли эканликларини изҳор қилдилар. Ҳозир университет машғулотларига навбатдаги тингловчилар қабул қилинмоқда. Уларнинг рўйхатини Тошкент шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш ташкилотлари тузиб педиатрия илмий-текшириш институтига топширадилар.

Биз бундан кейин ҳам амалий шифокорлар билимларини оширишга ўз ҳиссамизни қўшаверамиз.

Учқун КАРИМОВ, Шуҳрат ТУРСУНОВ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги педиатрия илмий-текшириш институтининг ходимлари.

* *Ўзбекистон ва жаҳон*

ҲАМКОРЛИККА КЎМАК БЕРАДИ

КУНИ кеча Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясида Ўзбекистон — Корея иқтисодий ва маданий ҳамкорлигига кўмаклашувчи жамиятнинг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

— Бундай ташкилотни тузишнинг аллақачон вақти-соати келган эди, — деди конференцияни очар экан миллий ассоциациянинг раиси Н. Ё. Ғойибов.— Бинобарин, республикамиз президенти Ислом Каримовнинг расмий давлат ташрифи билан Кореяга бориб келганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. У ерда Корея Республикасининг Президенти Ро Дэ У билан ўтган қизғин мулоқотлар чоғида иккала давлатнинг ҳамкорлиги борасида энг муҳим йўналишлардан бири — иқтисодиёт соҳасида тенглик асосида ўзаро фойдали алоқалар ўрнатиш ҳақида таъкидланган эди.

Ўзбекистондаги Корея Республикаси таълими марказининг директори жаноб Ан Дже эса жамиятнинг ташкил этилиши икки мамлакатни янада яқинроқ бирлаштирувчи кўприк бўлиб қолажагини, таълим марказининг фаолияти эса фан ва маданият соҳасидаги алоқаларнинг муваффақиятли давом этишига омил бўлиб қолишини айтди. Умуман, сўзга чиққанлар Корея Республикаси билан дўстлик, яқин қўшнилик ва ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон жамоатчилиги ва ишбилармонларини бунга кенг жалб қилиш учун халқ дипломатиясининг усул ва воситаларидан фойдаланиш лозимлигини алоҳида таъкидлашди.

Ҳақиқатан ҳам янги халқаро ташкилотнинг тузилиши ўзбек ва корейс халқларининг маданияти, тарихи, ҳаёти, ҳозирги аҳволи, анъаналари ва урф-одатлари билан танишишга ёрдам беради. Зеро, Ўзбекистонда ҳозир 200 мингдан ортиқ корейслар истиқомат қилаётганини унутмаслигимиз лозим ва ҳозирнинг ўзида таълим бўйича илк дастурларни ҳаётга тадбиқ этиш ишлари бошланиб кетди. Тошкент педагогика институтида Жанубий Кореядан келган 6 нафар талаба билим олмоқда. Ўйлаймизки, жамиятимиз, Корея билан ҳамкорликда турли лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан кичик ва қўшма корхоналарнинг барпо этилишига албатта ёрдам беради. Фаолиятнинг йўналишларидан эса Корея Республикаси ва КХДРда турли-туман маданий тадбирларни ўтказиш ишлари ҳам ўрин олади.

Таъсис конференцияси охирида янги жамиятнинг раҳбарлари ҳам сайланишди. Шунингдек, шаҳримиздаги кўпгина корхона ва ташкилотларнинг, қўшма корхоналарнинг вакиллари янги жамият бошқарувининг аъзолари сафидан ўрин олишди.

Дамир ИСЛОМОВ.



* *Кўргазма хоналарида*

ТУЛПОРЛАР ҚАДРИГА ЕТАМИЗМИ?

МАНА, Ўзбекистон Санъат музейи асад ойи бошланиши билан яна гавжумлашиб қолди. Бунинг сабаби республикамизда яшаб қолган мусаввир Петр Иванович Мордвинцев ижодига мансуб «Тулпорлар» кўргазмасидир. Унинг унча кўп эмас, бор-йўғи ўттиз икки асари санъат мухлислари эътиборини ўзига тортмоқда.

Дарҳақиқат қорабайир, човкар, жийрон, саман, оқ ёлли гир кўк, оқ, кумуш рангли отларнинг тури худди табиатнинг суюкли йўлдошларига ўхшайди. Отлар хоҳ ишда бўлсин, хоҳ сафарда, хоҳ пойгаулоқда, хоҳ курашу жангу-жадаллар майдонида ҳар доим инсоннинг энг яқин дўсти бўлиб келган. Кексалардан сўраганимизда шунинг учунми, «от газот учун яратилган» деб бежиз айтишмас экан. Бундан ташқари гўштини ва минг хил дардга даво бўлган қимизини айтмайсизми. Оёқ огриганда табиблар суриш учун от ёғини буюришади, бу ҳам бежиз эмас. Уроқчилар қамиш ўриш учун отланишаркан қариялар: «Оёққа этик устидан кийиб олинглар, қамиш тешолмайди» деб, от бошидан шилиб олинган от терисини кийим ўрнида беришган. Мусаввир бу нарсаларни яхши билади. Шу сабабдан у отлар қиёфасини ранг-баранг мойбўёқларда ўта маҳорат билан тасвирлайди.

Албатта ҳар ким отни ёқтиради. Мен ҳам асл тошкентлик бўлсам ҳам болалигим шаҳар чеккасининг қадимий кўм-кўк «Кўкча» даҳаси табиати қўйнида, кейинчалик замон зайли билан узоқ қишлоқларда ўтгани учун ҳам шу жониворларга меҳр қўйганман. Кўргазмага қўйилган отлар ҳақидаги ранг-тасвирларни томоша қилар, қолоқ ҳаёт деб қаралган ўтмишни эсларканман турли-туман отлар ўз рангида тирикдек қаршимда боқиб ҳаракат қилаётгандай бўлади. Ана, эгар-жабдуқли, айли маҳкам тортилган қорабайирни минган отбоқар яйловда от боқиб юрибди. Мусаввирнинг дидига қойил бўлдим. «Отлар яйловда» асарини яратиб, ҳар бир инсоннинг муносабати қанчалик чуқур эканлигини англаб етамиз.

Эртак ва достонлардаги таърифга сигмас тулпорлар мусаввир тасаввурида «Якка чопаётган тулпор», «Отда чопаётган йигит», «Отлар», «Чавандоз», «Улоқ» асарлари орқали ифода этилган.

«Чимёнда чошгоҳ» асари диққатимни кўпроқ тортди. Жазирама иссиқ кунлари тасвирланган бу асарда икки мўйсафид, бири отда, иккинчиси эшакда сўҳмоқ йўлдан юриб суҳбатлашиб келишмоқда. Уловларда замонавий рўзғорбоп идишлар ҳам бор. Тоғли қишлоқ одамларининг суҳбатидан албатта ҳар қандай техника туридан ҳам ўзларининг уловлари кучли эканлигини мақташаётгани шундоқ кўриниб турибди. Отларнинг ҳаётини пухта билган мусаввир улар қанчалик кучли, учқур бўлмасин, ёлғиз-ярим юрганда, йиртқич ҳайвонлар олдида ожиз эканлигини «От йиртқич ҳайвонлар орасида» картинасини яратиб, бўрилар тўдасига дуч келиб қолган отни тасвирлайди. У туёқларини турли ҳаракатга солиб улар билан қанчалик олишмасин кўпчиликка бас келолмайди. Баҳайбат бўри бор кучини йиғиб, унга ташланади ва қоқ белидан кемира бошлайди. Энди ажали шу ердалигига ақли етган от оғриққа чидолмай, осмону фалакка сакраб депсиниб, чақмоқ кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетаётгани унинг фожиявий, сўнгги ҳаётидан дарак беради.

Кўргазма ниҳоясида «Автосурат» турибди. Мусаввир ўз тасвирини яратибди. Қўлида мўйқаламлари ила ҳаёл сурмоқда. Унинг нималардир ҳақида ўйлаётгани аниқ ифодасини топган. Яқингинасида эса тасвирий санъатнинг турларидан бири «Натюрморт»да от югани ва қамчин тасвирланган. Иккинчи бир «Натюрморт»да эса товада пишган ойсимон нон, айрон, дўмбира, юқорироқда от тақаси, ўртада отнинг бош суяги ва бир тарафдаги анорлар тасвирлари ифодаланган.

Хуллас «Тулпорлар» кўргазмасидан жуда чуқур таассуротлар билан қайтдим. Бугунги кунда тўқчилик, тўкинчилик, арзончилик рамзи ҳисобланган отлар тобора камайиб, вафо қилмаган нарсаларга ишониб, «уловидан ажралган тиламчига ўхшаб қолмаяпмизми?» деган ҳаёлларга толдим. Авлод-аждодларимиз эъзозлаб, қўпайтириб келган отлар қадрига қачон етаркинмиз?

Маҳмуд АҲМЕДОВ, Ўзбекистон Санъат музейининг катта илмий ходими.

СУРАТЛАРДА: П. Мордвинцевнинг кўргазмадан ўрин олган бир нечта суратлари.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт- матбаачилик концерни. 700000, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. © Нашр кўрсаткичи 64698 © Буюртма Г—229. © 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.